



Ислом Нури

Мухтарам ота-оналар, агар фарзандингизга таълим беришда кийинчиликларга дуч келиб колсангиз куйидаги насихатга кулок тутишингизни насихат киламиз: чиройли тахорат олиб, таълим беришингиздан олдин икки ракаат намоз ўкиб, Аллохдан ишингизни енгил килишини сўранг. Агар шу намозни кечанинг охирги кисми, яъни сахарлик вақтида ўқисангиз нур устига нур бўлади. Эй Аллох, фарзандларимизга Куръонинг ва расулинг суннатини таълим бер! Омин!

1. Савол: Болажоним, биз нималарга иймон келтиришимиз керак?

Жавоб: Аллохга иймон келтирамиз.

2. Савол: Яна нимага иймон келтирамиз?

Жавоб: Аллохнинг фаришталарига иймон келтирамиз.

3. Савол: Болажоним, фаришталар ҳам одам каби тупрокдан яратилганми?

Жавоб: Йўқ дадажон, улар нурдан яратилган.

4. Савол: Яна нимага иймон келтирамиз?

Жавоб: Аллох осмондан туширган китобларга иймон келтирамиз.

5. Савол: Болажоним, нечта китобнинг номини биласан?



Ислом Нури

Жавоб: Забур, Таврот, Инжил ва Куръонни биламан.

6. Савол: Яна нимага иймон келтирамиз?

Жавоб: Аллохнинг пайгамбарларига иймон келтирамиз.

7. Савол: Болажоним, нечта пайгамбарнинг номини биласан?

Жавоб: Нух, Иброхим, Мусо, Исо ва пайгамбаримиз Мухаммад (уларга Аллохнинг салот ва саломлари бўлсин).